



улўзлашдир!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 10 (1578) 2026-YIL 13-MART, JUMA



Улуғ мутаффакир Умар Ҳайём “Наврўзнома” асарида бу кун ва унинг байрамга айланиши хусусида шундай деб ёзади: “Исфандармуз ойида мевали дарахт ва ўсимликлар кўкара бошлайди. Офтоб бу ойда охириги Ҳут буржига етиб келади. Қаюмарс вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва офтоб Фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи буржга кирди. Жамшид подшолигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач бу давр тугади ва қуёш ўз Фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб дунё мувозанатга келди. (Яъни, тун билан кун тенглашди.) Бу кунда у (Жамшид) байрам ташкил қилди, унга “Наврўз” деб ном берди. Одамларга ҳар йили Фарвардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни Янги (йил) деб ҳисоблашни, токи оламда қуёш бор экан, Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди”...

БАТАФСИЛ КЕЙИНГИ СОНДА ЎҚИНГ

Болаларни асранг



ҚИСҚИЧЛИ ЎЙИН — ҚИМОРНИНГ НИҚОБИ... (СМИ)!

Қонунчилик нуқтаи назаридан мамлакатимизда қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган фаолият қатъий тартибга солинган. Агар ўйин натижаси асосан тасодифга боғлиқ бўлса ва унда пул тикиш мавжуд бўлса, унинг ҳуқуқий мақоми жиддий ўрганилиши шарт.

Шу ўринда: “Бу қурилмалар лицензияланганми?”, “Ёшлар иштирокини чеклаш механизми борми?”, “Уни мактаб ва ўқув муассасалари атрофида жойлаштириш қанчалик қонуний?”, деган ҳақли саволлар туғилади.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ



Миниатюрага



муҳрланган тарихий ҳақиқат

Ваъда эмас, амалий ечим

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ОЙДИН АБДУЛЛАЕВНИНГ ЯНГИҲАЁТ ТУМАНИДАГИ ЎРГАНИШЛАРИ ЮЗАСИДАН РЕПОРТАЖ.

Бу сафарги ўрганишлар шунчаки расмийлик эмас, балки аҳолини қийнаётган “оғриқли нуқталар”га бевосита ечим излашга қаратилди. Газетамизнинг кейинги сонидида қуйидаги саволларга жавоб топасиз:

- ❖ Чироқ бор, лекин нур йўқ: “Тошкент” маҳалласида ўрнатилган замонавий ёритиш тизими нима сабабдан тармоққа уланмапти?
- ❖ Муддатини ўтаб бўлган ёғоч уйларда яшаётган 400 та оила янги хонадонларга қачон кўчади?
- ❖ Таълимдаги “тиқилинч”: 940 ўринга мўлжалланган мактабда 1500 нафар бола қандай таҳсил олмақда ва янги спорт зали қачон қурилади?
- ❖ Саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли тутунлар бўйича экологик назорат қачон йўлга қўйилади?



Махсус мухбиримиз икки кун давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Ойдин Абдуллаева билан бирга пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида бўлди. Маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриб, одамлар дарди, ҳал этилмаган масалалар, тизимдаги камчиликлар ва жойлардаги ҳолатни ўрганди.

КЕЛГУСИ СОННИ КУТИНГ!



ҚАДИМИЙ БИТИК ЮРТГА ҚАЙТДИ

ДУНЁ "РАҚОБАТ МАЙДОНИГА" КИРИШ УЧУН

ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР



Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан жорий йил 24 февраль куни ўтказган очиқ мулоқоти мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг янги босқичини бошлаб берди. Унда илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган устувор мақсад-вазифалар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли имкониятлар юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир йигит-қиз тақдирига дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур йўналишдаги долзарб масалалар хусусида Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Бехзод Тўхтамурадов билан суҳбатлашдик.

– Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан навбатдаги учрашуви янги ислоҳот ва имкониятлар даврини бошлаб берди. Аввало, мазкур мулоқотнинг бевосита иштирокчиси сифатида фикр-мулоҳазаларингизни бўлишсангиз.

– Дарҳақиқат, Қўрсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашуви, шубҳасиз, ёшлар сиёсатида янги босқични бошлаб берган муҳим тарихий воқеалик сифатида баҳолаш мумкин. Унда офлайн ва онлайн форматда 60 мингдан ортиқ ўзбекистонлик йигит-қизлар иштирок этди. Бу рақамнинг ўзиёқ мулоқот камрови қай даражада кенг бўлганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон ёшларининг умумий нуфуси 22 миллиондан ошганини алоҳида таъкидлаб, уларга муносиб шарт-шароит яратиш бугунги куннинг энг устувор вазифаси эканини қайд этди. Бу ёндашув ёшлар масаласига фақат ижтимоий қатлам сифатида эмас, балки мамлакат тарққиб-йиғилиши бўлиши билан қаралаётганини кўрсатади.

– Учрашувда ёшларимиз сўнгги йилларда эришган улкан ютуқлар сарҳисоб қилинди. Президентимиз фан ва таълим, маданият ва спорт, тадбиркорлик ва бизнес каби турли соҳаларда ўзбек йигит-қизлари забот этаётган марраларни фахр-ифтихор билан санаб ўтди. Сизнингча, бу мисоллар қандай маъно касб этади?

– Албатта, келтирилган рақамлар ёшларимизнинг интеллектуал ва инновацион салоҳияти ортиб бораётганининг яққол исботидир. Биргина мисол, "Harvard", "Yale", "Princeton", "Columbia", "Cornell" каби дунёнинг энг

нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларимиз 500 нафардан ошгани таъкидланди. Шунингдек, дунёдаги "ТОП-100" рейтингига кирувчи олийгоҳларда ўқиётган ёшларимиз сони қарийб 3,5 минг нафарни ташкил қилмоқда.

Эътиборлиси, 8 миллиард дунё аҳолиси учун бундай улкан салоҳиятли илм марказлари бармоқ билан санарли. Демак, 38 миллион аҳолига эга мамлакатимиздан шунча ёшлар ушбу даргоҳларда таълим олаётгани, ҳақиқатан ҳам юқори натижадир.

Яна бир муҳим жиҳат – ёшларимиз томонидан яратилган 63 та стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари бозорини забт этди. Бу Ўзбекистон ёшлари глобал рақобат майдонига дадил кириб бораётганининг амалий ифодасидир.

– Меҳнат бозори масаласи ҳам учрашув кун тартибидаги асосий мавзулардан бири бўлди. Қолаверса, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталсангиз.

– Тўғри. Ҳар йили 600 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1 миллионга етиши қайд этилди. Бу рақамлар олдимизга улкан вазифаларни қўяди. Энг муҳими, ёшларнинг қизиқиши ва салоҳиятига мос иш ўринлари яратиш давлат сиёсатининг устувори йўналиши сифатида белгиланди. Бундан ташқари, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Бундан буён "Келажак тадбиркори" дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 15 фоизли кредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Жумладан, ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмга, бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмга, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмга, камиди 5 нафар битирувчинини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмга кредит берилиши белгиланди.

Шунингдек, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш, ғояни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, маркетинг ва бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатувчи "Ёшлар бизнес инкубаторлари" ташкил этилади. Инновацион стартапларга 100 минг долларга инвестиция қиритишга ҳар ҳудудда берилиши, ҳар йили "Ёш тадбиркорлар" танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳага "Ёшлар венчур" жамғармасидан 1 миллион сўмга маблағ ажратилиши ҳам муҳим янгилеклардан бўлди.

– Фракция ҳар жараёнларда қандай иштирок этади?

– Биз учун энг муҳим вазифа белгиланган имтиёз ва имкониятларнинг ёшларга тўлиқ етиб боришини назорат қилиш. Шунингдек, имтиёزلарни тақдим этаётган ташкилотлар ва уларнинг тартиб-таомилларини аниқлаш, ҳар пайшанба кунини ўтказилаётган учрашувларда ёшларга тушунтириш ишларини кучайтиришни режалаштириш.

Шунингдек, ҳудудларда "Ёшлар бизнес инкубатори"ни ташкил этиш муддатларини назорат қилиш, грант ва имтиёзли кредитлар ажратилиши жараёнларини мониторинг қилиш мақсади мубофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Айрим ҳолларда молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнларида кечиктирилган қўллаб-қувватлаш. Шу боис фракция аъзолари ва депутатлик сўровлари орқали тизимли парламент назоратини кучайтиришни мақсад қилаймиз.

– Инфратузилма масалалари ҳам тадбиркорлар учун долзарб...

– Албатта. Жорий йил 1 мартдан бошлаб янги иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг инфратузилмага улашиш харажатлари "Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси" ҳисобидан қопланади. Аммо жойларда электр, газ ва сув тармоқларига улашишда муаммолар учраб туришини яширишга ҳолат йўқ. Шу боис фракцияимиз "Hududgazta'minot", "Hududiy elektr tarmoqlari" ва "O'zsveta'minoti" акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликни кучайтириб, масалаларни жойида ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан фаол иш олиб бормоқда.

– Ижтимоий ташаббуслар йўналишида қандай янгилеклар бор? Волонтерлик ва ижтимоий фаолликни рағбатлантириш борасида-чи?

– "Фикрингиз бер (Voice Up)" инклюзив оромгоҳи тажрибаси кенгайтирилиб, ҳар бир ҳудудда ўтказилиши ва минг нафар ёшнинг қамраб олиши белгиланди. Энг яхши ташаббуслар асосида Самарқанд шаҳрида халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳи ташкил этилади.

Шунингдек, техникум ўқувчилари учун "Ишла ва саёҳат қил (Work and Travel)" дастури йўлга қўйилиб, 6 ой хорижда ишлаш имконияти яратилди.

Хусусий ўқув марказлари учун солиқ имтиёзлари, олиш ҳудудлардаги марказлар учун енгиллаштирилган солиқ ставкалари, эҳтиёжманд ёшларни бепул ўқитадиган марказларни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам белгиланди.

– Бундан ташқари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида "Волонтерликни қўллаб-қувватлаш" жамғармаси ташкил этилмоқда. Унга республика бюджетидан ҳар йили 20 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан қўшимча 3 миллиард сўм ажратилади. Волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмга грант берилиб, "ижтимоий фаоллик картаси" орқали балл тизими жорий этилади.

– Учрашувда ёшлар ижтимоий ҳимоясига оид масалалар ҳам кўтарилди.

– Ҳа, ёш оилалар учун ипотека кредитларида фоиз ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қопланиши белгиланди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида қаттиқ ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Иккинчи имкон" лойиҳаси бошланади. Ушбу дастур доирасида ёшлар интенсив касб ва тил курсларида ўқитилиб, даромадли иш билан таъминланади.

– Фракциянинг келгуси режалари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Ҳафталик ва ойлик учрашувлар тизимли йўлга қўйилмоқда. Ҳар пайшанба пойтахт ва унга туташ ҳудудларда, ой якунида эса округлардаги мактаб битирувчилари, техникум, лицей ва олий таълим муассасалари талабалари билан мулоқотлар ташкил этиш бўйича икки ойлик график ишлаб чиқилди.

Бу орқали ёшларга яратилаётган имкониятлар мазмун-моҳиятини етказиш ва уларнинг тақдирларини ўрганиш мақсад қилинган. Ёшлар масаласи – доимий эътибор талаб этаётган йўналиш. Биз бу йўналишга бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

– Суҳбатингиз учун раҳмат.

Муродилла МАҲМУДОВ
суҳбатлашди

Муносабат

Давлатимиз раҳбари раислигида Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлиги атрофлича муҳокама қилинди.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ МУҲИМ



Руиддин РАУПОВ,
"Адолат" СДП
Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгаши
депутати

Жорий йил вилоят иқтисодий тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан санаотда 8,6 фоизлик ўсишни таъминлаш, шунингдек, 3,5 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 727 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилгани давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилди.

Вилоятда санаот, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда етиштирилаётган маҳсулотлар эндиликда дунёнинг кўпгина давлатларига, хусусан, Туркия, Россия федерацияси, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой Халқ Республикаси, Покистон, Америка, Жапон, Колумбия, Марокаш, Тунис, Эстония бозорига, умуман, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Албатта, бу борада давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликка берилаётган кенг имкониятлар ва бизнеснинг қўллаб-қувватланиши ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Биргина ўтган йили 6 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 30 мингга етказилди.

Вилоятимизда қатор йирик санаот лойиҳаларини амалга ошириш режалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Яқин кунларда мато, кийим-кечак ва гигиена воситалар, қишлоқ ҳўжалик техникаси ва ускуналари, электр автомобиллари учун қувватлаш станциялари, фиброцементли панеллар ва девор плиталарини ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш мўлжалланган.

Бундан ташқари, Муборак туманида махсус инновацион санаот зонаси ва Қарши яшил технологиялар санаот зонасини ташкил этиб, 2026-2027 йилларда уларда 1,1 миллиард доллардан зиёд бўлган 36 та лойиҳани амалга ошириш ва 6 мингга яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бу йил якунига қадар ишсизликни 32 фоизга, камбағалликни 3 фоизга тушириш юзасидан Президентимиз мутасаддиларга тегишлича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда эришилган натижалар билан бирга мавжуд муаммолар ҳам танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, айрим ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ ҳўжалигида самарадорликни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз туманларда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим вазифа эканини таъкидлади. Шунингдек, ижтимоий соҳа, таълим, тиббиёт, коммунал инфратузилма ва аҳоли учун қулай шарт-шароитларни яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари томонидан вилоятдаги мутасадди раҳбарларга белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини янада яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Хавфсиз муҳит яратилди

Инфратузилмани яхшилаш, жойларда хавфсизликни таъминлаш ва фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида қўриб қиқиш борасида амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шаҳноза СОАТОВА, Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби

Хусусан, халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгаши депутати Шора Акбарова "Қатортол" маҳалласидаги электр хавфсизлиги билан боғлиқ муаммони бартараф этгани бу борадаги сўз-ҳаракатларнинг яққол намунаси бўлди.

Ҳудуддаги 4 та трансформатор пунктлари очик ҳолда, ҳимоя тўсиқлари-сиз фаолият кўрсатиб келаётгани аҳолини ташвишга солаётганлиги. Электр ускуналари болалар ўйнайдиган, фуқаролар қатнови юқори бўлган ҳудудда жойлашган бўлиб, ҳар қандай қўтирмаган ҳолат фуқаролар ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин эди.

Аҳоли мурожаатлари эътиборсиз қолмади. Депутат масалани жойига чиқиб ўрганиб, ҳолат юзасидан ҳудудий электр таъминоти корхонасига расмий депутатлик сўрови юборди. Унда хавфсизлик талабларини таъминлаш, трансформаторларни техник жиҳатдан соз ҳолатга келтириш бўйича аниқ чоралар қўриш масаласи қатъий тарзда қўйилди.

Натижа узок куттирмади. Қисқа муддат ичида трансформаторлар атрофида мустаҳкам ҳимоя панжалари ўрнатилди, носоз эшиклар таъмирланди, ускуналар талаб даражасида тартибга келтирилди. Илгари хавотир ўйотган жойда хавфсизлик таъминланди. Дарҳақиқат, халқ ишончини қозониш доимий мулоқот, аниқ ташаббус ва амалий натижалар орқали таъминланади.



"КЕНГАШ СОАТИ" ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва ўзғарувчан ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Президент фармонининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

Депутатлар ушбу фармон аёллар ва болаларга нисбатан таълим ва ўзғарувчан ҳолатлардаги муносабатни шакллантиришга қаратилганини, ҳужжат билан жинойат ва маъмурий қонунчиликка қиритилаётган ўзгаришлар орқали жисмоний, руҳий ва иқтисодий зуравонлик учун жавобгарлик чоралари аниқлаштирилаётганини қайд этдилар.

Партия ўз дастурий мақсадларида ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқчилик ва қонун устуворлигини таъминлашни устувор вазифа деб биллиши, мазкур ҳужжат айнан шу тамойилларни амалда қарор топтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институтини жорий этиш, унга бир вақтнинг ўзида Кенгаш котибияти мудири вазифасини бажариш ҳамда Кенгаш котибияти ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан

озод қилиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартиби лойиҳасини шакллантириш ҳамда уларни қақриш, доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштириш ва бошқа ташкилий ваколатларга эга Кенгаш Раёсати институтини жорий этилиб, унинг иш фаолияти тартиби белгиланган.

– Мазкур қонун лойиҳаси билан Кенгашларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича "Кенгаш соати" институти ҳам жорий қилинмоқда, – деди фракция аъзоси Гулрух Агзамова. – Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда жойларда Кенгашларнинг назорат фаолияти такомиллашувида хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ

Депутат деганда, кўпчилик турли муаммоларни ҳал этиши шарт бўлган, аҳоли фикрига қулоқ тутиб, мансабдор шахслар ва масъул идоралардан ҳисобдорлик талаб қиладиган халқ вакилларини тушунади. Тўғри, бу улар фаолиятининг ажралмас қисми. Аммо амалда халқ дарди билан яшаш, одамларнинг бугундан рози бўлиб, эртанги кунига ишонч билан қарашни учун елиб-югуриш, турли кайфиятдаги инсонлар билан мулоқот қилиш, ҳар бир мурожаат ортидаги тақдир ва умидни ҳис этиш осон эмаслигини жойларга чиққандагина англайсан киши. Феврал ойи якунидаги ўрганишлар доирасида Сирдарё вилоятига борган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жанибекова, вилоят Кенгаши депутаты Жамол Комиловга ҳамроҳлик қиларканми, юқоридагилар улар учун кундалик манзара эканига амин бўлди. Сездикки, одамлар кўп ҳолларда бандларнинг ваъдаларини эмас, балки уларни эшитадиган, дардини тушунадиган, муаммосини пайсалга солмай, амалий ечим топишга ҳаракат қиладиган масъулни кўришни истади. Халқ орасида ишлашнинг энг оғир, айна пайтда энг масъулиятли томони ҳам ана шунда — ҳар бир айтилган гап ортида инсон тақдири турганини унутмасликда.



БАНДЛИК ВА ИЖТИМОЙ СПОРТ ФАОЛИЯТИ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Ўрганишлар Мирзаобод туманининг "Мирзо Улугбек" маҳалласидаги "еттилик" фаолияти билан танишди, худуднинг келгуви ижтимоий ривожланиш истиқболларини муҳокама қилишдан бошланди. Ишчи дастурдан муаммоларни жойида аниқлаш ва уларни бартаф этиш чораларини белгилаш ҳам алоҳида ўрин олди. Аввало, айтиш кераки, маҳалла буюми бугунги кун талабларга жавоб бермайди. Хоналар пасткам, иситиш тизими йўқ, бино таъмирталаб ҳолатда. Бу эса кўп йиллардан буюн маҳалла тизимида фаолият юритиб келаётган мутасаддилар иш самардорлигига салбий таъсир кўрсатиб келаётгани айтилди. Маҳалла айна пайтда ҳуқуқбузарликлар кўрсатиши юқори бўлган "қизил" тоифага киритилган. Утган даврда 7 та жиноят содир этилган, уларнинг иккитаси қотиллик...

спортни ривожлантириш билан боғлиқ муаммони кўтарди. Унинг айтишича, ногиронлиги бўлган фуқаролар спорт машғулотларига қатнашиши учун узоқ масофага, икки транспорт алмашиб боришга мажбур.

Шу тўғрисида маҳалланинг ўзида кичик спорт машғулотлари хонасини ташкил этиш, 15- ва 25-мактаблардаги спорт залларидан самарали фойдаланиш масаласи илгари сурилди. Депутат ушбу таклифни назоратга олишини билдирди. Шунингдек, депутатлик сўровига асосан маҳалла биносининг янги намуна асосида қуриш бўйича маблағ ажратилдиган бўлди.

ДИЛРАБО КЕНЖАЕВАГА ЖОЙ АЖРАТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Шундан сўн ишчи гуруҳ "Богистон" маҳалласига борди. Айтиш кераки, ушбу худуд нисбатан тартибга тушган, инфратузилма шаклланиган маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 1600 та хонадонда 8010 нафар фуқаро истиқомат қилади. 51 та кўчанинг қарийб 95 фоиси асфальтланган. Маҳалла "яшил" тоифага киритилган бўлиб, ижтимоий барқарорлик кўрсаткичлари бошқа худудларга нисбатан яхши. Аҳолининг 70—80 фоизи давлат ташкилотларида меҳнат қилаётгани



ҳам бунда муҳим омил сифатида қайд этилди. Шу билан бирга, 75 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, ўрганишлар давомида улардан 20 нафари иш билан таъминлангани маълум қилинди.

Оилалар мустақамлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам эътибордан четда қолмади. Маҳаллада ажрим ҳолатлари кўпайиб бораётгани, айниқса, шаръий никоҳ билан чекланиб, давлат рўйхатидан ўтмаган оилалар сони ортиб бораётгани айтилди. Ҳозирга қадар 12 та шундай ҳолат аниқланган бўлса, улардан фақат 2 таси расмий никоҳдан ўтган...

Ижтимоий ҳимоя масалалари муҳокамасида шароити оғир бўлган 22 нафар ногиронлиги бор аёлга

ёрдам кўрсатилгани, 45 нафар ишсиз хотин-қиз билан иш олиб борилаётгани айтилди. Бироқ норасмий даромад манбалари кўплиги, яширин иқтисодиёт улуши юқори экани ҳам қайд этилди. Шу муносабат билан ўзини-ўзи банд қилиш тизимидан кенг фойдаланиш, фуқароларни соя иқтисодиётидан чиқариш орқали уларнинг меҳнат стажини юритиш ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Учрашувда фуқароларнинг шахсий мурожаатлари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, фитнес мураббийи Дилрабо Кенжаева депутатга мурожаат қилиб, 10 йилдан буюн соҳа билан шуғулланаётгани, ўз фитнес клуби учун қўшимча жойга эҳтиёж борлигини билдирди. Масала жойида ўрганилиб, мутасаддилар билан келишилган ҳолда худуддан қўшимча жой ажратиш бўйича қарор қабул қилинди.

БОШИГА МУСИБАТ ТУШГАН ОИЛАНING КЕЛГУСИДАГИ БАРҚАРОР КЕЛАЖАГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Куннинг иккинчи ярми "Мустақиллик" маҳалласида давом этди. Ишчи гуруҳ вакиллари "Зилол сув" кўчасида яшовчи Ҳафиза Оқилхўжаева хонадонидан бўлишди. Оила бошига оғир муамба тушган. Онанинг яккаю ягона фарзанди бир неча йилдан буюн оғир хасталик билан курашиб келмоқда. Шу вақтга қадар у беш марта киста операциясини бошидан ўтказган, энди эса буйрак билан боғлиқ муаммо ҳам юзага келган. Онанинг қадди бу ташвишлардан эгилган. Ёруғ кўнларга ишониб, рўзгорини тиклаш мақсадида банкдан кредит олган, аммо боланинг даволланиши сабаб иш билан тўлиқ шуғуллана олмайпти.

Оқибатда кредит қарздорлиги ортиб бормоқда, топган даромадининг барчаси фарзанднинг соғлигини тиклашга кетмоқда. Маҳалла томонидан ёрдам кўрсатилган, бироқ бу оилага бир марталик эмас, балки тизимли ва узлуксиз кўмак зарурлиги кўриниб турибди. Сўхбат давомида маълум бўлишича, йигит билимга чанқоқ, ўқишга қизиқади, келажакда олий таълимда тахсил олишни орозу қилади. Ҳолат билан танишган Нодира Жанибекова муаммони эътиборсиз қолдирмади. Учрашув давомида мутасаддилар билан оилага аниқ ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича келишиб олинди. Аввало, болани даволаш учун ҳомилийк маблағларини жалб қилиш, тўлиқ тиббий

ТЕХНИКУМДА ЁШЛАР ҲАМ ҲЎҚИБ, ҲАМ ДАРОМАД ОЛМОҚДА

Депутат Оқолтин туманидаги 2-сон техникумда ҳам бўлди. Муассасанинг моддий-техник базаси кенг, ўқув қуввати юқори. Ташриф кўни бу ерда мактаб ўқувчилари учун "Очиқ эшиклар кўни" ташкил этилган бўлиб, ёшлар техникумда яратилган шароитлар, ўқув жараёни ва касб йўналишлари билан танишишди. Депутат техникум директори билан биргаликда ёшлар билан мулоқот қилди. Сўхбат давомида таълим муассасасида халқаро ўқув дастурлари жорий этилгани, айна пайтда Германия ва Австралия таълим тизими асосида тайёрланган дастурлар бўйича ўқув жараёни ташкил этилгани айтилди. Яқин вақт ичида Хитой билан ҳам ҳамкорлик шартномаси имзоланиши кутилмоқда. Бу орқали ўқувчи-ёшлар хорижий корхоналарда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини замонавий стандартлар асосида ўрганиш, амалиёт ўташ ва тажриба тўплаш имкониятига эга бўлади.

Жараёнда депутат бу ерда фаолият юритётган кичик ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳам танишди. Мазкур цех ҳокимлик кўмағида олиб берилган 5 та замонавий ускуна билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда 13 нафар

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАНИШИ КЕРАК

Депутат туманининг "Аҳлилик" маҳалласига борганида, фуқаро Рашид Отамовнинг ҳалигача ечимини топмаётган масаласи устидан чиқди. У аввал банкдан имтиёзли кредит олиб, ушбу она-бола сизир харид қилган. Чорвини тўғри парвариш қилгани, меҳнатдан қочмагани сабаб қисқа вақт ичида даромадга кирган ва кредитни муддатидан олдин ёлган. Энди эса фаолиятини кенгайтириш, чорва сонини кўпайтириш орқали сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Баҳор мавсуми яқинлашаётгани учун бу ишни кечиктирмасдан бошлаш у учун жуда муҳим.

Бироқ кредит расмийлаштириш жараёнида айрим тушунмовчиликлар келиб чиққан. Айтилишича, ҳоким ёрдамчиси фуқаронинг кўп қаватли ўйда яшашини ваҳ қилиб, ҳужжатларни расмийлаштиришни чўзиб келмоқда. Ҳолбуки, фуқаро номиди алоҳида ҳовли хонадон мавжуд бўлиб, кредит шартларини расмийлаштиришда шу мулкни кўрсатиш имконияти бор. Шунингдек, у ҳозирда ишлаётган фермер хўжалигида чорва боқиб учун барча шароит мавжудлиги, қаров ва ем-хашак билан таъминлаш масаласида муаммо бўлмаганини билдирди.

Шу муносабат билан мутасаддиларга масалани ҳал этиш, кредит расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш, қонунчилик доирасида барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда фуқарога амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсия берилди. Ушбу



БОШИГА МУСИБАТ ТУШГАН ОИЛАНING КЕЛГУСИДАГИ БАРҚАРОР КЕЛАЖАГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Куннинг иккинчи ярми "Мустақиллик" маҳалласида давом этди. Ишчи гуруҳ вакиллари "Зилол сув" кўчасида яшовчи Ҳафиза Оқилхўжаева хонадонидан бўлишди. Оила бошига оғир муамба тушган. Онанинг яккаю ягона фарзанди бир неча йилдан буюн оғир хасталик билан курашиб келмоқда. Шу вақтга қадар у беш марта киста операциясини бошидан ўтказган, энди эса буйрак билан боғлиқ муаммо ҳам юзага келган. Онанинг қадди бу ташвишлардан эгилган. Ёруғ кўнларга ишониб, рўзгорини тиклаш мақсадида банкдан кредит олган, аммо боланинг даволланиши сабаб иш билан тўлиқ шуғуллана олмайпти.

Оқибатда кредит қарздорлиги ортиб бормоқда, топган даромадининг барчаси фарзанднинг соғлигини тиклашга кетмоқда. Маҳалла томонидан ёрдам кўрсатилган, бироқ бу оилага бир марталик эмас, балки тизимли ва узлуксиз кўмак зарурлиги кўриниб турибди. Сўхбат давомида маълум бўлишича, йигит билимга чанқоқ, ўқишга қизиқади, келажакда олий таълимда тахсил олишни орозу қилади. Ҳолат билан танишган Нодира Жанибекова муаммони эътиборсиз қолдирмади. Учрашув давомида мутасаддилар билан оилага аниқ ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича келишиб олинди. Аввало, болани даволаш учун ҳомилийк маблағларини жалб қилиш, тўлиқ тиббий



текширувдан ўтказиш, шунингдек, ногиронлик статусини расмийлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАНИШИ КЕРАК

Депутат туманининг "Аҳлилик" маҳалласига борганида, фуқаро Рашид Отамовнинг ҳалигача ечимини топмаётган масаласи устидан чиқди. У аввал банкдан имтиёзли кредит олиб, ушбу она-бола сизир харид қилган. Чорвини тўғри парвариш қилгани, меҳнатдан қочмагани сабаб қисқа вақт ичида даромадга кирган ва кредитни муддатидан олдин ёлган. Энди эса фаолиятини кенгайтириш, чорва сонини кўпайтириш орқали сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Баҳор мавсуми яқинлашаётгани учун бу ишни кечиктирмасдан бошлаш у учун жуда муҳим.

Бироқ кредит расмийлаштириш жараёнида айрим тушунмовчиликлар келиб чиққан. Айтилишича, ҳоким ёрдамчиси фуқаронинг кўп қаватли ўйда яшашини ваҳ қилиб, ҳужжатларни расмийлаштиришни чўзиб келмоқда. Ҳолбуки, фуқаро номиди алоҳида ҳовли хонадон мавжуд бўлиб, кредит шартларини расмийлаштиришда шу мулкни кўрсатиш имконияти бор. Шунингдек, у ҳозирда ишлаётган фермер хўжалигида чорва боқиб учун барча шароит мавжудлиги, қаров ва ем-хашак билан таъминлаш масаласида муаммо бўлмаганини билдирди.

Шу муносабат билан мутасаддиларга масалани ҳал этиш, кредит расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш, қонунчилик доирасида барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда фуқарога амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсия берилди. Ушбу

масалани ҳам депутат назоратга олди.

ЙЎЛ МУАММОСИ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Навбатдаги манзил — Сардоба туманининг "Отанор" маҳалласи бўлди. Фуломжон Саидбоев раислик қилаётган мазкур маҳалла яқин йилларга муаммолар кўплиги сабаб уч йил давомида "қизил" тоифада бўлиб келган. Бироқ сўнгги вақтларда амалга оширилган ишлар натижасида худуд

ҳам мазмунан амалий натижаларга бой бўлди. Депутат Нодира Жанибекова Гулистон шаҳридаги 6-мактаб худудидида ўтказилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш акциясида иштирок этди. Тадбир "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят бўлибмаси ҳамда "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда вилоят Кенгаши депутати Дилшун Абдуллаева, партия фаоллари ва жамоатчилик вакиллари ҳам фаол қатнашди. Акция давомида мактаб олдидаги яшил худудга 100 туддан ортик мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, атроф-муҳитни ободонлаштириш, экологик маданиятни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшилди.

Ишчи гуруҳ Гулистон шаҳридаги "Навбахор" маҳалласида бўлиб, худуднинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, аҳоли турмуш шароити ва амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Қайд этиш жоиз, маҳалла кенг қўламли янгиланишлар арафасида турибди. Худуддаги кўп қаватли уйлارнинг 45 таси реновация дастурига киритилган. Нодира Жанибекова ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда мазкур уйлارнинг бугунги ҳолатини кўздан кечирди. Кузатишлар давомида айрим биноларнинг пойдевор қисми жиддий емирилган, ертўраларда намлик юқори даражада экани, ёгингарчилик мавсумида сув тошиб чиқиши каби муаммолар аҳоли томонидан кўтарилди.

Мулоқот чоғида Нодира Жанибекова реновация ишлари тартиби, амалдаги меъёрлар ва фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари юзасидан баҳоқисил тушунтириш берди. Ташриф давомида ишчи гуруҳ маҳаллада истиқомат қилаётган партия фаоли Олмахон Талламирзаева хонадонда ҳам бўлди.

Депутат онахоннинг фаолиги ва жамоат ишларидаги ташаббусини алоҳида эътироф этиб, унга миннатдорлик билдирди ҳамда байрам муносабати билан эсдалик совғасини топширди.

Куннинг иккинчи ярмида Нодира Жанибекова вилоятдаги Аёллар реабилитацияси марказида ҳам бўлди. Бу ерда вақтинча яшаётган аёлларнинг фикрлари, муаммоларини тинглади. Марказ раҳбарияти билан ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқди.

МУРУВВАТ, ОЛИЙҲИММАТЛИК МАСКАНИ

Партия ишчи гуруҳининг Сирдарё вилоятдаги ўрганишлари доирасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларида яратилган шароитлар билан танишиш ва соҳадаги илохотлар ифросини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Нодира Жанибекова вилоятда янги, замонавий бинода иш бошлаган Қўн кўйиш станцияси фаолиятини ҳам ўрганди.

Ўрганиш чоғида Нодира Жанибекова муассасага хориждан келтирилган юқори аниқликдаги ПСР ва ИХЛА аппаратлари ишлаш жараёни билан танишди. Мазкур ускуналар гепатит, ВИЧ каби хавфли инфекцияларни аниқлашда юқори аниқлиги таъминлаши, инсон омили билан боғлиқ хатоларни кескин камайтириши қайд этилди. Шунингдек, бинога ўрнатилган қуввати 20 киловатт бўлган қуёш панеллари орқали электр таъминоти барқарорлиги таъминланаётгани, бу эса муассасанинг доимий ишлаши билан бирга харажатларни камайтиришга ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди. Донорлар учун ташкил этилган дам олиш хоналари, тиббий хизмат ва сервис тизими халқаро стандартлар асосида йўлга қўйилгани депутат томонидан юқори баҳоланди.

Айтиш керак, марказга олиб келувчи вилоят тиббиёт кластерига туташ йўлнинг ҳолати ҳам жиддий эътибор талаб қилади. Йўлнинг айрим қисмларида чуқурликлар кенгайиб кетган, қоплама емирилган. Ушбу йўлдан автомобиллар ҳам, пивдалар ҳам фойдаланиши сабабли мавжуд ҳолат нафақат ноқулайлик, балки хавф ҳам тугдирмоқда. Нодира Жанибекова мазкур муаммони жойида ўрганиб, ушбу ҳолат юзасидан депутатлик сўрови чиқариши, йўлни таъмирлаш бўйича мутасадди идоралар олдида аниқ вазифалар қўйилишини билдирди.

БУНЁДКОРЛИК, МУЛОҚОТ ВА ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР

Партия ишчи гуруҳининг Гулистон шаҳридаги иккинчи кўниги ўрганиши

Депутат билан бираа икки кун ўтказилган ўрганишлар давомида бу фаолиятини нақадар залворли ва масъулиятли эканига амалда гувоҳ бўлди. Ҳар бир манзил, ҳар бир хонадон, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турагани Нодира Жанибекованинг депутатлик фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳа, халқ дәрди билан яшаш шунчаки бандларга шор эмас. Бу ҳар бир мурожаатни эшитиш, ҳар бир муаммони ўзиникидек қабул қилиш, ечим топилмагунча тинчимаслик дегани. Юқоридаги муаммолар ҳал этилса, аҳолининг депутатлар ва давлатга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади. Депутат фаолиятининг мазмуни ҳам айнан шу — одамлар ишончига муносиб бўлиш, уларнинг дардига малҳам бўлиш, адолатни амалда қарор топтиришдан иборат.



ҚАДИМИЙ БИТИК ЮРТГА ҚАЙТДИ

Вобкент – ҳудуди жиҳатидан Бухоро вилоятидаги энг кичик туманлардан бири бўлишига қарамай, миллий маънавиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган табаррук заминдир. У асрлар қаърига бориб тақаладиган бой ва қадимий тарихга эга.

Қодир Жўраев,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ушбу муборак тупроқдан кўплаб тарихий сиймолар етишиб чиққан. Жумладан, “Бухоро тарихи” асарининг муаллифи, тарих илмининг отаси Муҳаммад Наршахий, Бухорининг етти азиз пири авлиёларидан бири Маҳмуд Анжир Фағнавий, аёллар орасида Исломо ақидларини тарғиб қилиб, ўнлаб отинбувиларни тарбиялаган Мири Калону Мири Хурд авлиёлар, истеъдодли шоир Мужрим Обид, атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, филология фанлари докторлари Рамазон Обокалонов ва Султонмурод Олимов, иқтисод фанлари доктори Носир Маҳмудов каби забардаст олим ва алломалар шу заминнинг фахри саналади.

Бундан ташқари, бу қадимий гўшада ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган кўплаб меъморий ёдгорликлар мавжудки, улар асрлар давомида жаҳон халқларини ҳайратга солиб келмоқда. Бу ноёб обидалар бизнинг кимлигимиз ва тарихий хотирамиз ҳақида гувоҳлик беради. Вобкент минораси (XII аср), Хайробошча қишлоғидаги “Чашмаи Айюб” мақбараси (XIII аср), Абдулазизхон мадрасаси (XV–XVI асрлар), Вобкент ҳаммоми (XVI–XVII асрлар), Суфидеҳқон хонақоси (XVII–XVIII асрлар), Ширин қишлоғидаги хонақо (XVII аср), Пирмаст қишлоғидаги Тошмачит масжиди (XVIII аср) ва бошқа ўнлаб ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Улар орасида Вобкент минораси, шубҳасиз, алоҳида ўрин тутди. Бу беназир иншоот Вобкентнинг ўзига хос ташриф қозоғи, Бухоро меъморий мактабининг рамзларидан биридир. Машҳур Садрлар сулоласи вакили Абдулазиз Садр томонидан хижрий 595 (милодий 1198) йилда бунёд этилган ушбу обидда Шарқ меъморчилиги анъаналарини мужассам этган беназир меъморий ёдгорлик ҳисобланади.

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол Вобкент минорасининг ўхшаши йўқлигини шеърини сатрларда куйидагича ифода этган эди:

*Туташ боғу боғчаларни
Кўрар эдим нурафшон,
Уфқларга уйқаш бўлиб
Оқар эди Зарафшон...
Чикдим роса, мен чиқмаган*

**Баланд бино қолмади,
Эйфелга ҳам чиқдим, яна
Останкино қолмади**
– **Ҳеч бириси менинг ўша
Минорамдек бўлолмас,
Дубайдаги Бурж ал-Араб
Минорамдан баландмас!**
**Бухорога борар бўлсам,
Вобкент бўлар тилагим,
Минорамни кўраман деб
Ҳапқиради юрагим.**
**Бир болакай ҳали-ҳамон
Ўлтирибти устида,
Мен ўшанга етолмайман,
Айланма остида...**



Ўғирланган кошин 2017 йилда Германия орқали Лондон шаҳридаги “Maufair” галереясида сотувга қўйилган. Уни ислом ва ҳинд санъати асарларини тўлаш билан шуғулланган Симон Рай харид қилган. Оксфорд университети профессори Жеймс Аллен Вобкентга ташрифи чоғида пештоқдаги кошиннинг бир қисми йўқлигини пайқаб, уни Симон Рай галереяси каталогига кўриб қолган. Унинг огоҳлантиришидан сўнг кошин Британия музейига топширилади.

Бироқ Вобкентда яна бир беқиёс ёдгорлик борки, у аҳамияти жиҳатидан Вобкент минорасидан асло қолишмайди. Бу – Хайробошча қишлоғида жойлашган “Чашмаи Айюб” мақбарасидир.

XIII аср бошларида Қорахонийлар даврида бунёд этилган ушбу ёдгорлик мамлакатимиздаги энг қадимий меъморий намуналардан бири ҳисобланади. Унинг номи шифобахш чашманинг пайғамбар Айюб алайҳиссалом номи билан боғлиқлиги билан изоҳланади. Ривоятларга кўра, ул зоти муборак хассаларини ерга жойдан жойдан булоқ отилиб чиққан эган...

“Чашмаи Айюб” мақбараси миллий меъморчиликнинг анъанавий услубини ўзида мужассам этган ҳолда, кейинги давр, хусусан, Темирийлар ва Шайбонийлар замонида барпо этилган йирик меъморий мажмуалар учун муайян даражада прототип вазифасини ўтаган. Юксак маҳорат билан бунёд этилган бу ёдгорлик XIX асрга қадар муқаддас қадимчи сифатида эъзозланган.

Мақбаранинг пештоғи серхашам ва бадий жиҳатдан юксак намуна ҳисобланади. Пештоқ юқориси муқарнасли карниз ва терракотали шарафа билан безатилган.

Кейинчалик қурилган дарвоза аслига нисбатан кичик ўлчамли бўлиб, атрофлари оддий шувоқ билан сувалган. Дарвоза устидаги равоқ ҳам кейинги давр маҳсулидир. Қирма услубдаги геометрик нақшлар XVIII–XIX асрларга тегишли экани яққол кўриниб туради.

Портал қисмининг деворий битигида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг: “Сизларни қабрларни зират қилишдан қайтарсан эдим. Бас, энди уларни зират қилверинглар”, деган муборак ҳадислари ҳамда “Бу иморат олти юз бешинчи йил (милодий 1208 - Қ.Ж.) қурилган” деган ёзув жуда чиройли тарзда битилган бўлиб, хаттоқли санъатининг олий намунасидир.

Мақбара асрлар давомида қанчадан-қанча ур-йиқит ва тўс-тўполонлари бошдан кечирди. Айниқса, мустабид шўро замонида бутунлай тарзда битилган бўлиб, хаттоқли санъатининг олий намунасидир.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда ушбу кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин келажақда “жаҳонгашта” кошинни Вобкентга қайтариб, ўз жойига ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Худудлардан хабарлар

23 ТА ХОНАДОНГА Газ қувири тортилди



Халқ вакилларининг бевосита жойларга чиқиб, одамларнинг дардини эшитиб, муаммоларини қонуний ва тизимли йўллар орқали ҳал этишга қирришаётгани жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаб бормоқда. Айнан шундай натижага йўналтирилган фаолият намунаси Тахтақўпир туманида яна бир бор ўз тасдиқини топди.

Узоқ йиллар давомида ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири — “Нурли йўл” кўчасида жойлашган 23 та хонадонни табиий газ билан таъминлаш муаммоси долзарб масала сифатида кўтарилди. Таъкидланганидек, бу нафақат қулайлик, балки аҳолининг турмуш сифати ва ижтимоий фаровонлиги билан бевосита боғлиқ эди. Депутат Нажиматдин Примбетов фуқаролар мурожаатини тинглаб, масала-

нинг ижтимоий аҳамияти ва долзарблигини инобатга олган ҳолда тегишли ташкилот ва масъул идораларга депутатлик сўрови юборди. Мазкур сўров асосида кўча хонадонлари ўрта босимли газ тармоғига улашиб, муаммо ижобий ечимини топди.

Бу эса депутатлик аралашуви орқали аниқ натижага эришиш мумкинлигини кўрсатувчи яна бир мисолдир. Депутат бундан кейин ҳам аҳоли билан доимий мулоқотда бўлишга, уларнинг мурожаат ва тақлифларини тизимли равишда ўрганиб, амалий фаолият кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Абдураҳмон КОЙЛИБАЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши
матбуот котиби

Шифокорлар янги БПТда бирлашди



Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида фуқароларнинг сиёсий жараёнларга дахлдорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва жамоатчилик фаоллигини рағбатлантириш долзарб вазифага айланган.

“Адолат” СДП Андижон тумани кенгаши томонидан 3-оилавий поликлиника ходимлари иштирокида ташкил этилган “Сиёсий партиялар ва сиёсий ҳуқуқ” мавзусидаги давра суҳбати мазмунан муҳим ташаббус сифатида эътиборга лойиқ. Тадбирнинг асосий мақсади тиббиёт соҳаси вакилларининг сиёсий билимларини бойитиш, уларни мамлакатда кечаётган демократик жараёнларга янада яқинлаштиришдан иборат бўлди.

Давра суҳбатиде туман кенгаши раиси Шерозбек Насриддинов мамлакатимиздаги

сиёсий партиялар, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари, партияга аъзоликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумот берди.

Айниқса, “Адолат” СДПнинг ижтимоий адолат, қонунийлик ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мақсад ва ғоялари туман миқёсидаги амалий мисоллар орқали очиб берилди. Тадбир иштирокчилари фаол мулоқотда бўлиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Партия сафига қўшилиш истагини билдирганлар кўллаб-қувватланди ва муассасада уларни бирлаштирувчи, мақсадли фаолиятга йўналтирувчи бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши
матбуот котиби

Электр таъминотидаги узилишлар бартараф этилди

Аҳоли турмуш сифатини ошириш борасида сўз кетар экан, инфратузилма барқарорлигини мустаҳкамлаб бориш долзий заруратдир. Биргина электр таъминотидаги узилиш ёки кучланиш пастлиги ҳам нафақат маиший нуқулайликни келтириб чиқаради, балки иқтисодий хавфсизликка таъсир кўрсатади. Ушбу йўналишда фуқаролар мурожаатларига тезкор ва амалий ёндашиш эса депутатлик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиши ларкор.


Поп тумани “Миришкор” маҳалласидаги “Ёшлик” кўчасида яшовчи ҳамюртларимизни юқоридаги каби электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар узоқ йиллардан буён безовта қилиб келаётганди. Ечим эса уч донна симёғоч ўрнатиш ва янги кабель тармоқларини тортишдан иборат. Фуқаролар халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Улуғой Одиловага мурожаат қилгани бесамар кетмади.

Туман “Электр тармоқлари” корхонасига депутат сўрови чиқарилгач, манзилда зарур техник ишлар амалга оширилди. Симёғочлар ўрнатилиб, электр кабеллари тортилди, тармоқ янгиланди ва фойдаланишга топширилди. Натижада таъминот барқарорлашиб, кучланиш муаммолари бартараф этилди, хавфсиз ва қулай шароит яратилди. Бу кичик тадбиркорлик фаолияти ва аҳолининг кундалик турмуш суръатига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

**Наманган вилояти
кенгаши матбуот котиби**



Мозийдан садо



Ҳамкоримиз

“ОЛМАЛИҚ КМК” АЖ SUSTAINABLE FITCH РЕЙТИНГИДА ЯНАДА ЮҚОРИЛАДИ

2026 йил 24 февраль куни – Халқаро Sustainable Fitch агентлиги Олмалик қон-металлургия комбинатининг барқарор ривожланиш рейтингини ((Entity Rating)) “3” даражасида тасдиқлади ва компаниянинг умумий баҳолаш мезонини (entity score) 56 баллдан 59 баллга оширди.

Ушбу ижобий ўзгариш комбинатнинг барқарор ривожланиш стратегиясини изчил такомиллаштириш, ижтимоий, бошқарув ва экология соҳаларида сезиларли ютуқларга эришиш, шунингдек, қон-металлургия саноатига хос бўлган атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини муваффақиятли бартараф эттириши акс эттирди.

“Sustainable Fitch” экспертларига кўра, ОКМК корпоратив бошқарувининг кучли томонлари, хатарларни бошқаришнинг самарали тизими, солиқ мажбуриятларининг виждонан бажарилиши, шунингдек, кадрлар кўнimsизлигининг паст даражаси алоҳида таъкидланди.



Рейтингнинг ошиши, ҳаттоки тармоқнинг мураккаб ўзига хосликка қарамай, компания томонидан ESG (экология, ижтимоий масъулият ва корпоратив бошқарув) кўрсаткичларини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда.

Миниатюррага муҳрланган тарихий ҳақиқат

Мамлакатимиз пойтахтида барпо этилган Ислон цивилизация маркази залларида тарихимизнинг турли даврларига, жумладан, ўрта асрларга оид ноёб кўлёмалар, нодир ҳужжатлар, турфа осори-атиқалар, маданият ва маънавиятимизга доир гўзал санъат асарлари, ғаройиб кўринишдаги ранг-тасвир намуналари ўрин олган. Ана шулар орасида бир миниатюра алоҳида эътиборни тортади.

Камол МАТЁҚУБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ранг-баранг бўёқлар воситасида ишланган бу миниатюрада тўртта инсоннинг турли ҳолатдаги кўринишлари акс эттирилган. Мусаввир асарига тўртта одамдан ташқари атроф-муҳит, дарахт, қушлар, замин узра барқ уриб очилиб ётган гуллар тасвирига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Ранглар уйғунлиги, одамлар қиёфасидаги ўзига хосликлар, тиниқ тасвир ҳар қандай томошабин эътиборини ўзига жалб қилади.

Тарихий маълумотларга кўра, ушбу миниатюра 1429 йилда Ҳирот мусаввирлик мактабининг вакили Сайф ал-Воҳидий томонидан ишланган. Миниатюра 1430 йилда Ҳиротда Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо кутубхонаси учун тайёрланган атоқли муаррих Рашидиддиннинг “Жомъе ут-таворих” (“Тарихлар тўплами”) кўлёмма тўпламидан жой олган. Бу тўплам айни пайтда Франция миллий кутубхонасининг нодир хазиналар фондига сақланган.

Ушбу миниатюрада XIII асрда шарқда кечган бир тарихий ҳодиса, аниқроғи, аждодларимиз тақдирини билан боғлиқ муҳим воқеа акс эттирилган. Яъни, Ануштегин-Хоразмшоҳлар давлатининг улғў ҳукмдорларидан бири Султон Оловуддин Мухаммад ўлими билан боғлиқ ҳолат, унинг ҳаёт билан видолашаётган пайти тасвирланган. Мусаввир жон бераётган Хоразмшоҳ Оловуддин Мухаммаднинг кўк тўнда, бошидан салласи учган, оёқлари ва кўллари икки томонга ёйилган, кўзлари юмилган тарзда узала тушиб ётган кўйи намоян эгган. Хоразмшоҳнинг оёқ учи томонда қора чопонлик ва оқ салпалак йигит — ҳукмдорнинг катта ўғли Жалолиддин Мангуберди отасига талпиниб турган тарзда ифодаланган. Ҳукмдорнинг бош томонида унинг оқ салпалак ўраган ва жиғаранг чопонлар кийган, рўй бераётган ҳолдан эсанайиб ёқасини ушлаган икки ўғли — Ҳалоқшоҳ ва Оқшоҳ ўтирган ҳолда кўзга ташланади. Мусаввир уларнинг қиёфаларини миниатюра қоидаларига мувофиқ, лекин аниқ кўринишларда тасвирлаган. Миниатюранинг пастки қисмидаги оқётган сув, ҳақиқатан ҳам, Оловуддин Мухаммаднинг Ҳазар (Каспий) денгизидagi ороллардан бирида вафот этганини кўрсатади. Мусаввирнинг Хоразмшоҳни кўк тўн, Жалолиддинни қора тўн, Ҳалоқшоҳ ва Оқшоҳни жиғаранг тўн кийган ҳолатларда тасвирлаши, гулларнинг тўқ қизил рангда, воқелик кечаётган жойини заъфарон рангда акс эттириши рўй бераётган фожиавий жараёни яққолроқ англатиш учун хизмат қилган. Хуллас, мусаввир миниатюрасида Хоразмшоҳ Оловуддин Мухаммад вафоти билан боғлиқ воқеликни тарихий жиҳатдан ҳаққоний тасвирлаган.

Ана шундай асоссиз, нотўғри маълумотлар XX асрда яшаган таниқли рус адаби Василий Яннинг “Чингизхон” тарихий романида ҳам кўзга ташланади. Унинг ёзишча, Мухаммад Хоразмшоҳ мўғуллардан қочиб Ҳазар денгизидagi ороллардан бирига ёлғиз ўзи келиб қолади. Бу оролда оғир дардага йўлиққан моховлардан бошқа ҳеч ким бўлмади. Моховлар Хоразмшоҳнинг кийим-бошларини ечиб олади. Кийим-бошсиз, озиқ-овқатсиз қолган ҳукмдор оролда жон таслим қилади. Орадан бир қанча вақт ўтган унинг лашкарбошиларидан бири Темир Малик оролга келиб, Хоразмшоҳнинг ҳоқини дафн этади.

Албатта, Хоразмшоҳнинг ҳаёти якуни ҳақиқат бизгача етиб келган маълумотларнинг ҳаммаси юқоридаги каби ёлгонлардан, уни қоралаш учун ўйлаб топилган уйдирмалардан иборат эмас. Ўрта аср ва ундан кейинги даврда яшаб ижод этган Ибн ал-Асир, Шихобиддин Мухаммад ан-Насавий, Отамалик Жувайний, Минҳожиддин Жузжоний, Шамсиддин Заҳабий, Мухаммад Авфий, Тақийуддин Аҳмад ал-Мақризий каби кўплаб муаррихлар асарларида унинг вафоти билан боғлиқ ҳақиқат ёзиб қолдирилган.

Хўш, бу ҳақиқат нимадан иборат? Оловуддин Мухаммад ҳаётининг сўнгги кунлари аслида қандай кечганди? Юқоридаги муаррихларнинг маълумотлари асосида бу хусусда сўз юритамиз.

Маълумки, Чингизхон Мовароуннахрни босиб олганидан кейин Хуросонга чекинган Оловуддин Мухаммад Хоразмшоҳни таъқиб қилиш ва қўлга тушириш учун Жаба нўён ва Субутой бошчилигида сараланган кўшинни жўнатади. 1220 йилнинг куз фаслининг бошларида Жаба нўён лашкарлари Табаристон йўлида кетаётган Хоразмшоҳнинг кичик кўшини билан тўқнашади. Бўлиб ўтган жанг натижасида икки томондан ҳам кўплаб лашкар ҳалок бўлади. Мўғуллар Хоразмшоҳни танимаганликлари учун қўлга ололмайдилар. Хоразмшоҳ бу ерда ҳам лашкар йиғолмай, мақсадига етишолмай, ярадор отда яқинлари билан Қорун қалъасига бориб паноҳ топади. Қалъа амридан етарли миқдорда от ва озиқ-овқат олиб, йўлбошловчи етакчилигида Бағдод йўлида давом этади. Мўғуллар Қорун қалъасига чекинганлар орасида Хоразмшоҳ борлигидан хабар топган, қалъага боради. Султоннинг бу ердан кетганини эшитиб, унинг орқасидан йўлга тушадилар. Хоразмшоҳ Бағдод йўлидан бораётиб, йўлбошловчининг орқага қайтарилиши билан бир оз юриб, Саржаҳон қалъаси томон бурилади. Мўғуллар йўлда йўлбошловчига дуч келиб, унинг ёр-

дамида Бағдод йўлида давом этадилар. Мўғуллардан жойда Хоразмшоҳни тополмаган мўғуллар йўлбошловчи бизни алдади деб ўйлаб, уни улдирадилар ва орқага қайтадилар. Хоразмшоҳ Саржаҳон қалъасидан кейин Гилонга боради. Гилон амриларидан бири Солук унга сидқидилдан хизмат қилади. Султон Оловуддин Мухаммад Гилондан кейин Дабуйага, ундан Исфизарга ва Амулга ўтади. Амул ва Мозандароннинг улғў одамлари ҳамда амирлари уни ҳурмат билан кутиб оладилар. Султон улар билан мўғуллар қадами етмайдиган хавфсиз жой қаерда борлиги хусусида хуфиёна суҳбатлашади. Амулликлар унга Ҳазар денгизидagi ороллар хавфсиз жой эканлиги ҳақида маъломот беришади.

Шундан кейинги воқеалар хусусида Шихобиддин Мухаммад Насавий бундай ёзади: «Тоторлар (мўғуллар) Султон учун қутилмаганда у жойлашган қишлоққа ҳужум қилишди, натижада у марқоб (кема)га қочди. Марқобга турли томондан камондан ўқлар отилди, бир гуруҳ тоторлар Султонни тутуш учун марқоб кетидан ўзларини сувага ташлашди. Лекин шошқалоқликлари туфайли денгиз бағрида ўлим топдилар. Ушунда Султон билан бира марқобда бўлганлардан баъзилари менга шундай ҳикоя қилиб беришганди: «Биз кемани шитоб билан ҳайдаётган пайтимида Султон ўпка яллиғланши касалига чалиниб қолди. Унинг омон қилишидан умидимизни уздик. Шунда Султон кўнелидаги дардларини тўкиб солди: «Биз ҳукмдорлик қилган барча вилоятларнинг заминидан ўзимизга гўр қазийш учун икки қўлчан ҳам ер қолмади. Аслида бу олам инсон учун асл маскан эмас, у бу ерда манеу қолмайди, демак, бу дунё уни овунтириш учун бир бошпана, холос. У бир рабобта (карвонсаройга) ўхшайди — келувчи унинг бир зивидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади». Улар ҳикояларини яна шундай давом қилгандилар: «У оролга келган жуда хурсанд бўлди. У на эски, на янги мулк бўлмаган қувғинга айланганди. Қасалливи эса кундан-кунга кучаярди. Мозандарон аҳолиси орасидан унга содиқ одамлар бўлиб, улар озиқ-овқатлар, у хоҳлаган нарсаларини олиб келишарди. Кунларнинг бирида у: «Қани, энди битта тулпорим бўлса, у чодирим атрофиди (унга атаб алоҳида чодир тикланганди) ўтлаб юрса», деган ниятни билдирди. Унинг бу ниятдан хабардор бўлган Малик Тожиддин Ҳасан думи ва ёли қора саман от соғга қилди. От оролга олиб келинди. Тожиддин Ҳасан Султоннинг сархангларидан бири эди. Агар ўша кунлари кимдир унга (Султонга) бир езулик еки бошқа нарса келтирса, бас, унга ё юқори мансаб берилгани, ё номига бирор мулк иқто қилингани ҳақидаги фармон битиларди».

Тарихий маълумотларга кўра, Хоразмшоҳнинг Ҳазар денгизидagi оролдаги ҳаёти ҳам осойишта кечмаганлиги англашалади. Бу хусусда Отамалик Жувайний шундай ёзади: «У оролга бориб, бир неча кун у ерда истиқомат қилганидан кейин унинг ўша ерда эканлиги тоторларга маълум бўлган, бошқа бир оролга қўчди. У ўша оролдан кетганидан сўнг Яма нўённинг оролдан кетидан Ройга юборган наварларидан бир гуруҳи ушбу оролга борди. Уни топа олмаган, яна орқага қайтиб кетдилар. Султон ўша қўрқинчли хабарни эшитган, ҳарамини номуСИ қирлатилгани, аскарларининг етакчисиз қолгани, қизларининг беғоналар ҳужумига учраб, асир тушгани, севикли хотинлари бошқа эркаклар қўлига ўтиб, паст одамлар панжалари остида азият че-

кишини кўнелидан ўтказди. Султон дарддан ҳориганини англаб етди». Муаррихлар Султон борган оролни гоҳ Ашир Ади, гоҳ Обескун номилари билан атайдилар. Эҳтимол, улар Жувайний эслатганидек, иккита орол бўлгандир. Шу билан бирга бу орол (ёки ороллар) ташландиқ маскан бўлмаган. Уларда ҳар хил иморатлар, турар жойлар қад ростлагани эътироф этилади.

Насавийнинг айтишича, Мухаммад Хоразмшоҳ ҳаётининг оролда кечаётган сўнгги кунларидан бирида яна бир ишни амалга оширади. Маълумки, у Хоразмдалиқ пайтида онаси Туркон Хотун ва унинг яқинлари талаби билан учинчи ўғли Қутбиддин Ҳалоқшоҳни ўзига тахт вориси қилиб белгиланган эди. Оролда Султоннинг касали зўрайгандан кейин ва онаси асирликка тушганини эшитганидан сўнг у Жалолиддинни ҳамда ўша пайтда оролда бўлган ўғиллари — Ҳалоқшоҳ ва Оқшоҳни ҳузурига чақиради. Уларга қарата бундай дейди: «Мамлакатда ҳукмдорлик иплари узилди, давлат асослари кучсизланди ва емирилди. Бу душманнинг асл мақсадлари нима эканлиги аён бўлди — унинг тирноқлари ва тишлари мамлакат баданига қаттиқ боғди. Мен учун улардан қасосни фақат ўғлим Жалолиддин олиши мумкин. Шунинг учун мен уни тахтим вориси, Султон ва Хоразмшоҳ деб белгиладим. Сизлар иккалангиз ва барча лашкарлар унга бўйсуншиларингиз ва амрига қулқ осилларингиз керак. Унга содиқлик билан хизмат қилишларингиз шарт». Шундан кейин у қиличини ўз қўли билан Жалолиддиннинг белига осиб қўйди. Укалар ва оролга у билан бирга келган 70 дан ошқ лашкарлар унга садоқат билан хизмат этишга қасамёд қилдилар.

Бу воқеадан кейин Султон Оловуддин Мухаммад Хоразмшоҳ бир неча кун яшайди ва вафот этади. Унинг майитини хос мулозимлари — човуш Шамсиддин Маҳмуд ибн Ёлоқ ва Султон ётоқхонасининг бошлиғи Муқоррибиддин Шош ал-Фаррош ювади. Шамсиддин ўз қўйлагини йиртиб, уни кафан қилиб ўрайди. У оролга дафн қилади. Насавий ва Жувайний Султон 617 йилда вафот этди, деб маълумот беради. Равертининг ёзишича, у 617 йилнинг шаवволида (1220 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари оралиғида) бандаликни бажо келтирган. Ибн ал-Асир Хоразмшоҳ оролдаги қалъада вафот этди, деган маълумотни келтиради. Абул Фараж эса «Султон Оловуддин 620 йилда (1223 йил февраль — 1224 йил январь) Гиркон денгиз бўйидаги мустақкам қалъага кириб беркинди ва дорулбақога рихлат қилди», деб ёзади. Булар орасида Насавий, Жувайний Ибн ал-Аср ва Равертининг маълумотлари ҳақиқатга яқин ҳисобланади.

Шу ўринда XV асрда Сайф ал-Воҳидий томонидан яратилган бу миниатюра Шохруҳ Мирзо талабига кўра китобот қилинган Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомъе ут-таворих” кўлёмма тўпламига нима учун киритилган, деган савол тузилади. Сабаби аён. Атоқли муаррих Рашидиддин ўз асарига юқорида номини келтирганимиз тарихчи алломалардан ақсариятининг китобларида келтирилган аниқ ва ҳаққоний маълумотлардан фойдаланган. Хоразмшоҳ Оловуддин Мухаммад ҳаётининг сўнгги давлари билан боғлиқ тақдирини ва унинг ёлғизлиқда эмас, учта фарзанди ҳамда кўплаб яқинлари бағрида экан берганлигини бошқа муаррихларга нисбатан мукамалроқ ёритган. Шу сабабли ушбу миниатюра юқоридаги тарихий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида китобга киритилган ва Ислон цивилизация маркази залидан ҳақли равишда ўрин олган.

Эслатма: Сайф ал-Воҳидийнинг Рашидиддиннинг “Жомъе ут-таворих” китобига кирган ягона ранг-тасвир асари эмас. Унга мусаввирнинг Жалолиддин Мангуберди ҳаёти билан боғлиқ “Валиён ёнидаги жанг”, “Жалолиддиннинг Синд дарёсидан сузиб ўтиши”, “Гуржлар билан жанг” каби миниатюралари ҳам киритилган. Бу миниатюралар милаат қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди шижоати ҳамда қаҳрамонликларини халқимизга ва дунё аҳлига таништиришга хизмат қилади.

ОКМК "СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АЛЬЯНСИ" ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНДИ

Бугун сунъий интеллект ҳар бир соҳага жадаллик билан кириб бормоқда. Айниқса, сунъий интеллект технологияларининг саноатга жорий этилиши, юқори самарадорликни таъминляпти. Бу борада ОКМКга ҳам самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда.



Жумладан, 2026 йил 6 март куни AI Alliance (“Сунъий интеллект альянси”) вакиллари ОКМКга ташрифи давомида ҳам комбинатда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 октябргаги “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ўтказилган учрашув давомида комбинатта “Олмалик КМК” АЖнинг “Сунъий интеллект альянси”даги иштирокчини тасдиқловчи сертификат топширилди.

AI Alliance иштирок этиш корхона учун бир қатор имкониятлар эшигини очди:

- экспертлар ҳамжамияти ва соҳадаги амалиётлардан фойдаланиш — саноатда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича тажриба алмашиш;
- қўшма ташаббуслар ва пилот лойиҳаларда иштирок этиш — шериклик ваколатларидан фойдаланган ҳолда инновацион ечимларни амалга ошириш;
- кадрлар ва кўникмааларни ривожлантириш — корхона мутахассисларини ўқув ва эксперт дастуралига жалб қилиш, сунъий интеллект жорий этиш учун мазсуа бўлган жамоаларни тайёрлаш сифатини ошириш;
- сунъий интеллектни масъулиятли қўллашда ягона ёндашулар — интелектуал ечимларни жорий этишда маълумотлар сифати, хавфсизлик, хавфларни бошқариш бўйича амалиётларни мустаҳкамлаш;
- технологик ҳамкорликни кенгайтириш — самарали сунъий интеллект ечимларини кенгайтириш учун тегишли ташкилотлар, ишлаб чиқувчилар билан янги алоқалар ва ҳамкорлик ўрнатишдан иборат.

“Олмалик КМК” АЖда сунъий интеллект технологиялари ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнарига изчил татбиқ этилмоқда. AI Allianceда иштирок этиш ушбу ишларни тизимлаштириш, инновацион ечимларни жорий этишни жаддаллаштириш ва корхонанинг рақамли ташаббуслари самарадорлигини ошириш имконини беради.

ОКМК Ахборот хизмати



Болаларни асранг

Қисқичли ўйин қиморнинг ниқоби... (МИ)!

Бугун жамият олдида: "Болаларнинг соддалиги ва ишончи кимлар учундир даромад манбаига айлан-
яптими?", деган жиддий савол бўлди. Негаки сўнгги вақтларда "Prize game machine", халқ орасида "қисқичли ўйин автомати" номи билан танилган қурилмалар мактаблар, ўқув марказлари ва бозорлар атрофида кўпаймоқда. Ташқи кўринишдан у оддий ўйинчоқ аппаратидек туюлади: шиша қути, ранг-баранг ўйинчоқлар, металл қисқич ва жозибали му-
сиқа. Аммо унинг ишлаш механизми ва таъсир дои-
расига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, муаммо анча жиддий экани намоён бўлади.

Муҳиддин ОМАД, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Мазкур автоматлар "тасодифий му-
кофот" (random reward) тизимига асо-
сланган бўлиб, ўйин натижаси ишти-
рокчининг маҳоратидан кўра кўпроқ
омадга боғлиқ. Бола ҳар сафар пул
ташлаб, қисқични ҳаракатга келти-
ради. У ютса — хурсандчилик, ютқазса
— яна бир бор уриниб кўриш истаги
пайдо бўлади.

Психологияда бундай механизм ин-
сон миёсида дофамин ажралишига
сабаб бўлиши, "кейингиси, албатта,
чиқади" деган умидни шакллантириши
аён. Бу эса қимор психологиясининг
асосий формуласи: ноаниқлик + умид
+ такрорий уриниш.

Шу нуктага назардан қараганда,
бола ҳар сафар пул ташлаганда ўйин-
чоқ эмас, умид сотиб олади. Ютқаз-
нида эса йўқотилган маблағни қайта-
риш истаги кучаяди. Шу тариқа оддий
ўйин одатга, одат эса хумори тутадиган
ийлатла айлиниши мумкин.

Қонунчилик нуқтаи назаридан мам-
лакатимизда қимор ўйинлари ва та-
ваккалчиликка асосланган фаолият
қатъий тартибга солинган. Агар ўйин
натижаси асосан тасодифга боғ-
лиқ бўлса ва унда пул тикиш мавжуд
бўлса, унинг ҳуқуқий мақоми жиддий
ўрганилиши шарт.

Шу ўринда: "Бу қурилмалар лицен-
зияланганми?", "Ёшлар иштирокини
чеклаш механизми борми?", "Уни мак-
таб ва ўқув муассасалари атрофида
жойлаштириш қанчалик қонуний?", де-
ган ҳақли саволлар туғилади.

Агар болаларга мўлжалланган ҳу-
дудларда шундай қурилмалар эркин
ишлаётган бўлса, бу жамоатчилик
ва мутасадди идоралар учун жиддий
огоҳлантиришдир.

Майда одат — катта муаммолар
бошланишига сабаб бўлади. **Ота-
она берган тушлик пули шундай
АВТОМАТЛАР УЧУН САРФЛАНСА, БУ**

ФАҚАТ ЮТҚАЗИЛГАН БИР НЕЧА МИНГ
СЎМ МАСАЛАСИ ЭМАС. ПУЛ ТУГА-
ГАНДА, ЎРГАНГАН БОЛА ЯНГИ МАНБА
ҚИДИРИШГА ТУШИШИ ЭХТИМОЛДАН
ХОЛИ ЭМАС. АМАЛИЁТ ШУНИ КЎРСАТИ-
ДИКИ, АЙРИМ ЁШЛАР МАЙДА ЎГИРЛИК
ЎКИ АЛДАШ КАБИ САЛБИЙ ХАТТИ-ҲА-
РАКАТЛАРГА АЙНАН ШУНДАЙ "БЕО-
ЗОР" КЎРИНГАН ИЛЛАТЛАР ОРҚАЛИ
КИРИБ БОРАДИ. ДЕМАК, ЖИНОЯТ-
НИНГ ШАКЛЛАНИШИ КАТТА РЕЖАДАН
ЭМАС, МАЙДА ОДАТДАН БОШЛАНАДИ.
МЕҲНАТСИЗ ЮТУҚ ҲОЯСИ ЁШ ТАФАК-
КУРГА СИНДИРИЛСА, ЭРТАНГИ КУН-
НИНГ МЕҲНАТСЕВАР ВА МАСЪУЛИ-
ЯТЛИ АВЛОДИНИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯ ҚИ-
ЛАМИЗ? АГАР "ОМАД" МЕҲНАТДАН
УСТУН ҚЎЙИЛСА, ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ
ИЗДАН ЧИҚМАЙДИМИ?

Қувонарлиси, айни кунларда На-
манган вилоятида махсус ишчи гуруҳ
тузилиб, мазкур қурилмаларни тар-
тибга солиш чоралари қурилмоқда.
Тадбиркорларга тушунтириш ва
огоҳлантиришлар берилмоқда. Ота-
оналарга фарзандлар сарф-хаража-
тини назорат қилиш, ўқув муассаса-
лари атрофида профилактик ишларни
кучайтириш зарурлиги уқтирилмоқда.

Бу ташаббус фақат бир ҳудуд билан
чекланиб қолмаслиги керак. Масала
умуммиллий миқёсда муҳокама қили-
ниши, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-
жатлар такомиллаштирилиши лозим.

Албатта, тадбиркорлик — иқтисо-
диёт таянчи. Лекин шу билан бирга
тадбиркорлик ўзбилармонлик эмас,
жавобгарликдир. Унутмайлик, "фойда"
билан "масъулия" ўртасидаги чега-
рани унутиб қўйиш жамиятга қимматга
тушиши мумкин.

Бу ерда гап бир ўйинчоқ ҳақида кет-
маяпти. Гап — боланинг онги, одати ва
келажаги ҳақида кетмоқда.

Қонунчилик нуқтаи назаридан мам-
лакатимизда қимор ўйинлари ва
таваккалчиликка асосланган
фаолият қатъий тартибга
солинган. Агар ўйин
натижаси асосан тасодифга
боғлиқ бўлса ва унда пул
тикиш мавжуд бўлса, унинг
ҳуқуқий мақоми жиддий
ўрганилиши шарт.

Шу ўринда:
"Бу қурилмалар
лицензияланганми?",
"Ёшлар иштирокини чеклаш
механизми борми?", "Уни
мактаб ва ўқув муассасалари
атрофида жойлаштириш
қанчалик қонуний?", деган
ҳақли саволлар туғилади.

Жамиятда бепарволик кучайса,
энг хавфли — давосиз касаллик авж
олади. Бугун болалар томонидан
ножўза сарфланган бир неча минг сўм
келажақда уларнинг тақдирини ютқаз-
иётганидан дарак беради. Шу боис,
барчамиз — ота-она, педагог, тадбир-
кор ва мутасадди ташкилотлар — бир-
дек огоҳ бўлишимиз шарт! Болалар-
нинг соддалиги даромад манбаига
эмас, меҳр ва тарбия манбаига ай-
линиши керак. Чунки фарзандлар кел-
ажани асраш — ҳар биримизнинг
виждоний бурчимиз.

Бу дунё тузокдир. Орзу-хаваслар эса, у тузокка
сочилган доллардир. Тузоклардан, орзу-хаваслардан
коч!

Агар нафсоний орзу-хаваслардан кочсанг, воз
кечсанг юзлаб шодлик эшиклари очилади.

Агар унинг зиддини қиладиган, орзу-хаваслар-
нингдан кечолмайдиган бўлсанг фасод ва бало-
ларга учрайсан.

Шу сабабдан Ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳис-
салотувассалам: — "Ғарчи муфтийлар тўғри фатво
берсалар ҳам, сизлар яна ҳам кўнгилларингизга қар-
анг!", дея марҳамат қилдилар.

Бу ҳадиси шарифни сунистеъмом қилмаслик
лозим, нозик бир нуқтаси бор.

Орзу-хавасларингдан воз кечгинки, Аллоҳ сенга
рахм қилсин.

Жалолиддин РУМИЙ

Тафаккур

Инсон ўзининг ички дунёсини юксалтирганда, у дунёга нур сочади.
Энг улуг инсон ўзининг қалби тоза бўлган ва бошқаларга тўғри йўл
кўрсатадиган инсондир.

Ахмад ЯССАВИЙ

Ўрмон мудхис тезликда ёнарди. Кичкинагина чумчуқ йўли-
даги гулдан панжалари билан сув олиб, ўрмон устига учди ва тагин
дарёга шовди.

Ўрмоннинг ёнишини иложсиз кузатиб турган хайвонлардан бири
қулиб, бақирди:

— Ҳей, аҳмок, ўрмонни бир томчи сув билан қутқарсанми?
Чумчуқ жавоб берди:

— Менинг қўлимдан келадигани шу...

Рашид Нури ГУНТЕГИН
(турк ёзувчиси)

P. S Баъзида бир томчи сув ҳам фалокатдан қутқариши мумкин. Лоқайд-
лик эса аксинча...

Орамиздаги одамлар

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ФУҚДОЙИСИ

Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги — бу унинг маъ-
навий таянчлари, қалби нурга тўла инсонларидир.
Чунки айнан шундай одамлар бор жойда муҳит
ўзгаради, сўзлар маъно касб этади, қалблар уйғо-
нади. Улар баланд минбарлардан гапиришни эмас,
балки қалбдан қалбга йўл топишни афзал кўради-
лар. Ана шундай инсонлардан бири — Косонсой за-
минида маънавият ва маърифат шамини ёқиб кел-
лаётган фидойи инсон, Аъзамжон Мамажоновдир.

Муҳиддин ИМОАДИЕВ, Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби



Аъзамжон Мамажонов — од-
дий инсон. Аммо унинг оддийлиги
ортида катта қалб, юксак дид ва
беқиёс маънавий масъулият мужас-
сам. Унинг табиатидаги самимиёт,
инсонларга меҳр ва адабиётга садо-
қат уни атрофдагилар учун
ибрат тимсолига айлантирган. У
шешрни шунчалик ўқимайди — уни
ҳис этади, унинг ичида яшайди.
Шу боис у айтаётган ҳар бир мисра
тингловчи қабининг тубига етиб
боради, руҳни поклайди, инсонни
ўйга тодиради.

Муҳаммад Юсуфнинг дарди ва
самимий сатрлари, Усмон Азим-
нинг фалсафий битиклари, Иқбол Мирзо ва Мирзо Кенжабекнинг юксак
руҳий олами Аъзамжон Мамажонов қалбига ўзгача акс-садо беради. У шо-
ираларнинг шеърларини ёддан айтиш билан чеklangмайди, балки улар орқали
маънавият уругини ёшлар қалбига қадайдди. Чунки у шеър — қалб тарбия-
чиси, инсонни инсон қиладиган маънавий куч эканини яхши билади.

Аъзамжон Мамажоновнинг энг катта хизматларидан бири — ёш истеъдо-
ларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашдаги фаолиятидир. У Дилшоҳ Исоқов,
марҳум Обидхон Мамадалиев, Абдулатиф Дадабоев каби ёш ижодкорларнинг
илк қадамларига мадад берди. Уларнинг ижод намуналарини тўплаб, китоб хо-
лида чоп эттирди. Бу — фақат ташкилий иш эмас, балки келажақ адабиётига
қўшилган беқиёс хиссадир.

Адабиётга бўлган муҳаббати уни янада улкан ишларга чорлади. Унинг та-
шаббуси билан Косонсой туманидаги "Бог'ўча" ва "Озода" маҳаллалари ту-
ташган ҳудудда кутубхона ташкил этилди. Бу маскан қисқа вақт ичида маъна-
вий марказига айланди. Туман ҳокими, таълим муассасалари ва "Адолат"
СДП томонидан тақдим этилган ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари кутуб-
хонани янада бойитди.

Бугун бу ерда китоб мутолаа қилаётган ёшларни кўриб, маънавият
уруғлари унгангани ҳис этиш мумкин.

Унинг ташаббуси билан ҳар йили Косонсойда вилоят ижодкорлари, санъат
иҳлосмандлари иштирокида "Ўрик гулағанда" адабий-бадиий анжумани,
Муҳаммад Юсуф ижоди ва ҳаётига бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказиб
келинмоқда. Бу кечалар нафақат адабий анжуман, балки қалблар байрамига
айланиб улгурди. Шунингдек, яқинда кенг нишонланган Алишер Навоий ва
Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди қунари муносабати билан ташкил
этилган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам Аъзамжон Мамажоновнинг
иштироки ва ҳомиyliлиги алоҳида аҳамият касб этди.

Тумандаги 44-умумтаълим мактабига ўтказилган тадбир ҳам ана шун-
дай маънавий мулоқотларнинг эркин намуналаридан бири бўлди. Унда
Наманган вилояти кенгаши депутати Гуломжон Ҳамдамов билан бирга
иштирок этган Аъзамжон Мамажонов ёшлар билан самимий мулоқот
қилди. У китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни, илмнинг қудрати ва мил-
лий қадриятларни асрашнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Тадбир сўн-
гида одатдагидек, фаол ўқувчиларга китоблар ва эсдалик совғалари тақ-
дим этилди. Бу совғалар оддий тухфа эмас, балки ёш қалбларга берилган
ишонч, эътибор ва рағбат рамзига айланди, десак адашмаймиз.

Мактаб директори Адҳамжон Ғаниев Аъзамжон Мамажонов фаолиятига
баҳо берад экан, унга миннатдорлик билдириб:

— Бундай инсонларнинг борлиги — ёшлар учун катта бахт. Улар нафақат кит-
тоб совға қиладилар, балки ёшлар қалбига орзу ва ишонч ҳам бағишлайдилар,
— деди.

Чиндан ҳам, Аъзамжон Мамажонов каби инсонлар жамиятнинг маънавий
устундир. Улар минбар сўрамайди, шухрат изламайди. Аммо амалга ошир-
ган ишлари, қалбларга берган нурлари келажақ авлод тақдирини ўз аксини то-
пади.

Шундай инсонлар бор экан, маънавият чирғоғи ҳеч қачон ўчмайди.

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРШИБОВЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами
билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 301

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

ISSN 2093-5217

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб — Абдуғани Содиков



Тахрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани "Шарк тонги" кўчаси, 23-уй.

Адаби — 3 006
Босишга топириш вақти — 21.00
Босишга топириши — 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Тахриратга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарк" НМАК босмохонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!